

ИНСОН ФАОЛИЯТИ  
БИЛАН БОҒЛИҚ  
БЎЛГАН ЖАРАЁНЛАР.

- Жамиятимиз ривожланган сари «деҳқон» сўзининг маъноси, деҳқончилик усуллари ўзгариб, унинг табиатга салбий таъсири ҳам ортиб боради. Табиатга ва у орқали инсониятга кўп зарар келтирувчи омиллар бу тупроқнинг заҳарланиши, эрозияга (емирилишга) учраши ва суғориладиган ерларнинг шўрланиши, ботқоқланишидир.





# Тупрок эррозияси



# Тупрок эррозияси



# Тупрок эррозияси



- Мамалакатимиз қишлоқ хўжалигида 70 хилга яқин кимёвий моддалар ишлатилмоқда. Улардан тайёрланган зараркунандаларга қарши заҳарлар, барг туширувчи дефолиантларни эҳтиёт қилиб сақламаслик, меъеридан ортиқча сифатсиз фойдаланиш катта зарар келтиради.



- Мустақил ҳамдўстлик давлатларида ўртача бир гектар ерга 113,7 кг минерал ўғит, 2 кг заҳарли модда ишлатилса, Ўзбекистонда 284,4 кг (пахтага 438 кг) ўғит, 19,5 (баъзан пахтага 50 кг) килограммгача заҳарли моддалар ишлатилган.

- Пестицидлардаги гексохлоран, ДДТ кимёвий ўғитларидаги нитрат ва нитритлар суви, сабзавот, мева ва ҳар хил ўсимликларни заҳарлаб, уларни истеъмол қилган чорва, парранда, ҳаттоки одамни ҳам оз-оздан заҳарлаб касал қилади

- . Пестицид ва гербицид таркибидаги диоксин ҳозирги вақтда Орол бўйи халқларининг қони ва сутида ҳам учраётгани сир эмас. Чунки бу ерда яшаётганлар ўзларининг ерларига сепаётган заҳардан ташқари, Амударё ва Сирдарёларнинг юқори ва ўрта қисмида ифлосланиб келаётган сувдан истеъмол қиладилар.